



Mustaqil gazeta HURRIYAT

1996-yil dekabrda chiqarilgan

№50 (304) 2002-yil 18-dekabr

"Хуррият" сизники, Сиз ХУРРИЯТНИКИ бўлинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда.
Нашр кўрсаткичимиз:
Яқна обуначилар учун — 233, ташкилотлар учун — 234.

Сессия

ПАРЛАМЕНТ ИСЛОХОТИ

Амалий қадам қўйилди

Мамлакатимиз парламенти фаолиятида яхши аъёна таркиб тоилган: энг муҳим, долзарб ва кўлами кенг қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Бунинг бир қанча афзал жиҳатлари бор. Биринчидан, унинг билан барча фуқароларнинг бевосита танишиш имконияти пайдо бўлади. Иккинчидан, нафақат мамлакатимиз фуқаролари, балки халқаро ташкилотлар ҳам бундан беҳабар қолмайдилар. Учинчидан, тегишли кўмитга қўйлаб тақлиф ва мулоҳазалар келиб тушади. Демак, танлаш имконияти пайдо бўлади. Бир сўз билан айтганда, бу аъёна анчайин фойдалидир. Шунинг учун ҳам сессия муҳокамасига қўйилган аксарият қонунлар умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Шу ўринда Парламент ислохоти бевосита дахлдор бўлган ва қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сенати тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги қонунларни алоҳида таъкидламоқ жоиз. Бу қонунчилик ҳокимиятини ислоҳ қилишга амалий қадам қўйилганидан далолат беради.

Сессия муҳокамасига қўйилган ва кўпчилик қизиқиш билан қараган масалалардан бири янги таҳрирдаги умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизматга дахлдор бўлган қонундир. Парламент тасдиқидан ўтган бу қонунга мубофиқ, эндиликда ҳарбий хизмат 12 ой, яъни бир йил бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, ҳар қандай кишига бир йил ҳарбий сир-асорлардан воқиф бўла олиш учун етарли. Демак, профессионал армия учун замон тайёрланмоқда. Қонунда ҳарбий хизматга доир яна бир қанча янги жиҳатлар назарда тутилган.

"Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси энг кўп қизиқишларга сабаб бўлди, дейиш мумкин. Айримларнинг бундан ҳатто хавотирга тушгани рост. Турли хил "миш-миш"лар пайдо бўлган ҳам сир эмас. Шунинг учун Президент бунга доир ўз муносабатини билдирди. Ва бу, айтиш жоизки, ўша хавотирлик ва миш-мишларнинг барҳам топишига сабаб бўлди. Мамлакатимиз раҳбари "Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини даромадлар устидан қўшимча назорат ўрнатувчи ҳужжат сифатида баҳолаш зарурлигини алоҳида қайд этди. Жуда кўп ривожланган мамлакатларда ана шундай тартиб жорий қилинган. Ўзбекистон ҳам ана шунга эришмоқчи. Бор гап шу. Президент тақлифи билан мазкур қонун лойиҳаси парламент томонидан биринчи ўқишда қабул қилиниб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Ва жуда ҳам мақбул йил танланди, дейиш мумкин. Чунки мамлакатимиз барча фуқароларнинг қонун лойиҳаси билан бевосита танишиш имконияти пайдо бўлди. Ва улар, шубҳасиз, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.

Парламент сессияда қабул қилган энг муҳим қарорлардан яна бири 2003 йилга мўлжалланган Давлат бюджетининг тасдиқланганидир. Бюджетни мамлакатнинг улкан қозониغا қиёс қилиш мумкин. Ундан ҳар бир соҳа ўз насибига ярашсини олади. Бюджет ҳақида, албатта, кўп гапириш мумкин. Лекин биз унинг фақат икки жиҳатини гапирмоқчимиз, холос. Биринчиси, унда ижтимоий соҳага янги йилда ҳам қатъа эътибор қаратилмоқда. Иккинчиси, даромадлардан олинмайдиган солиқ янги йилда ҳам пасайтирилиши назарда тутилган. Булар, албатта, кўпчиликни мамнун қилади.

Исмаил ХУДОЕВОВ

Конференция



Тошкентда К. Аденауэр жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси ҳамкорлигида "Диний-сиёсий экстремизм ва терроризмга қарши Тошкент Резолюцияси: уч йил ўтган" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ушбу конференция 1999 йилнинг ноябр ойида ўтказилган "Дин ва Демократия" мавзусидаги халқаро анжуманининг мантқиқий давоми бўлди. Динлар ва халқлар аро ҳамжиҳатлигини сиёсий ва иқтисодий барқарорлик

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ



ушбу нечоғлиқ аҳамиятга эгалиги, диний-сиёсий экстремизм ва терроризмнинг жон ҳаёт цивилизациясига таҳдиди, унга қарши кураш йўллари муҳокама этилган анжуманида "Диний-сиёсий экстремизм ва терроризмга қарши Тошкент Резолюцияси" қабул қилинган эди.

АҚШ, Германия, Швеция, Франция, Миср, Россия, Руминия ва Марказий Осиё давлатларидан келган таниқли олимлар ва етакчи мутахассислар иштирок этган багалли конференцияда Тошкент Резолюцияси қабул қилингандан кейинги даврда минтақамиздаги мамла-

Искандар СОДИҚОВ олин суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

2002 йилнинг 16 декабрь куни соат 11.30 да Ўзбек дипломатларининг қаршиликларига қарама-қарши, Ўзбекистоннинг Ашгабаддаги ҳорижий ваколатхонаси ҳудудидagi элчи қароргоҳи ва ходимларнинг турар-жойларида Туркманистон Миллий хавфсизлик вазирлигининг 15 ҳодими кирди.

Туркманистон махсус хизмат ходимлари "бекнинг олдиндан режалаштирилганига айнаи шу пайтда Ўзбекистон элчиси Туркманистон Ташқи ишлар вазирлигига вазир билан суҳбатга тақрирлангани далил қилиб кўрсатиш мумкин. Суҳбат давомида элчига ушбу мавзудаги Ўзбекистон томонига ҳеч ҳам асосланмаган ва ўйлаб топилган айб-ловлар айтилган.

Турар-жой мажмуаси ҳудуди айнан Туркманистоннинг махсус хизмат ходимлари томонидан доимий равишда қўриқланади. Шу муносабат билан у ерга бегона кишилар киришининг имкони йўқ. Бу ивгогарлик акцияси олдиндан режалаштирилганига айнаи шу пайтда Ўзбекистон элчиси Туркманистон Ташқи ишлар вазирлигига вазир билан суҳбатга тақрирлангани далил қилиб кўрсатиш мумкин. Суҳбат давомида элчига ушбу мавзудаги Ўзбекистон томонига ҳеч ҳам асосланмаган ва ўйлаб топилган айб-ловлар айтилган.

Ташқи ишлар вазирлиги Туркманистон томонидан амалга оширилган бу ҳаракатларни халқаро ҳуқуқ ҳамда Дипломатия муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси низоми меъёр ва тамойиллари, шунингдек, икки томонлама давлатларaro битимлар кўп оқил равишда бузилиши, деб баҳолайди.

диради ва тегишли нота юборди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Туркманистон томонидан содир этилган воқеалар юзасидан кечиктирмадан тушунтириш бериш, шунингдек, айбдор шахсларни аниқлаш ва уларни жиддий жавобгарликка тортиш юзасидан аниқ чоралар кўришни талаб қилди.

Вазирлик, шунингдек, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва икки томонлама битимларга мубофиқ, Ўзбекистоннинг Туркманистондаги дипломатик миссияси ходимлари ва билонларнинг хавфсизлиги ва дахлсизлиги қаролатилиши таъминлашни талаб этди.

Тошкент, 17 декабрь 2002 йил

Анжуман

ГЛОБАЛ МУАММОЛАР МУҲОКАМАСИ

Самарқанд Давлат Чет тиллар институти, Ўзбекистон миллий матбуот маркази Самарқанд вилоят бўлими Конорад Аденауэр фонди билан ҳамкорликда "Диний-сиёсий экстремизм ва терроризм — умумжаҳон глобал муаммоси" мавзусида анжуман ўтказди. Тадбирда олимлар, талабалар, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва Германиядан ташриф буюрган мутахассислар иштирок этди.

"Франкфуртер алгемайне" газетасининг Исроил ва Фаластиндаги муҳбири Йорг Еремер Якин Шарқдаги террористик ҳаракатларнинг сабаблари ҳусусида, уларни бартараф этиш ҳақида ўз ҳулосалари билан ўртоқлашди.



Олмониялик мутахассислар фундаментализм ва халқаро терроризмга қарши самарали кураш олиб боришда маданиятларaro ва динларaro мулоқотнинг муҳимлигини таъкидлашди. Улар ислом дини ва дунёда содир этилаётган террористик ҳуружлар ҳақида фикр билдирганда, диннинг ушбу муҳим воқеаларга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, ислом одамларини бағрикенгликка, тотувликка даъват этишини, унинг моҳиятини англаб етишга интилиш зарурлигини қайд этди. "Динни яхши билган уни сиёсатлаштиришга ҳаракат қилмайди", — деди жумладан Г.Мулак. Германияда 3 миллиондан ортиқ мусулмон бўлиб, улар мамлакат ривожланишига бошқалар қатори кўсиб ҳисса қўлиб келаётганини ўқитди нотик. Мехмонлар анжуман иштирокчиларининг қўйлаб саволларига жавоб қайтарди.

Анжуманининг очилиш маросимида иштирокчилар ва меҳмонларни кутлар экан, СамДҲТИ ректори, профессор Юсуф Абдуллаев мавзунинг долзарблигини қайд этди. Шундан сўнг Германия Федерал канцлери бошқармасининг халқаро терроризм масалалари бўйича референти Гуидо Штайнберг Германиянинг халқаро терроризмга қарши курашдаги хиссаси ҳақида сўз юритган бўлса, ГФР Ташқи ишлар вазирлигининг ислом олами билан ва маданиятларaro мулоқот ўрнатиш масалалари бўйича вакили Гунтер Мулак "Ислом олами билан мулоқот олиб боришнинг талаблари ва вазифалари. Германия нуктаи назари" мавзусида чўкиш қилди. Олмониянинг нуфузли нашрларидан бири бўлган

ларининг қўйлаб саволларига жавоб қайтарди. Шундан сўнг Ўзбекистон Миллий Матбуот маркази Самарқанд вилоят бўлими раиси, журналист Тошпўлат Раҳматуллаевнинг "Эркин фикр парвози" ҳамда "Матбуот ва демократия" номли китобларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Профессор Ю. Абдуллаев уларда кўтарилган муаммолар ҳусусида сўзлади.

Мавсуда ЕҚУБОВА

Семинар

«МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА. АФСОНАМИ ЁКИ ҲАҚИҚАТ?»

Водий журналистларининг Наманган шаҳридаги "Хамкор" клубида "Мустақил газета. Афсонами ёки ҳақиқат?" мавзусида оқим мулоқот бўлиб ўтди. Унда Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятида фаолият юритаётган талай газеталар бош муҳаррирлари, Матбуот ва ахборот агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаларининг ОАВ мониторинги ва техник хизматлар бўлими раҳбарлари, журналистлар иштирок этдилар.

от маркази раиси, "Хуррият" мустақил газетаси Бош муҳаррири А. Каримов мамлакатимиз ОАВ тизимида юз бераётган оқимий ўзгаришлар, демократик кадрлар барқарорлашувининг матбуотга таъсири, бу борадаги жаҳон таҷрибалари, журналистнинг жамият олдидagi вазифалари ҳақида "Хуррият" газетаси фаолияти ҳусусида мулоҳазалар билдирди.

Шундан сўнг "Сўхбатдош" газетаси Бош муҳаррири, "Хамкор" клуби раҳбари Азизбек Абдувалиев, "Наманган ҳақиқати" газетаси Бош муҳаррири Фарҳод Йулчиев, "Хуррият" муҳбири Турсунали Акбаров ва бошқа ҳамкасблар журналистлар фаолигини ошириш, молиявий мустақиллик, маркетинг, обуна ва бошқа мавзуларда фикрлар билдирдилар.

МММаа

Олий ва ўрта-махсус таълим тизимидаги ислохотлар

Ўзбекистон Миллий Матбуот Марказида Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида навбатдаги оқим мулоқот бўлиб ўтди. Унда Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, академик С. Фуломов, пойтахтдаги олий ўқув юртининг ректорлари ва фаолият юзати олий таълим билан узвий боғлиқ бўлган ташкилот-муассасалар раҳбарлари иштирок этиб, журналистларни қизиқтирган кўпгина саволларга жавоб беришди.

Дастлаб вазир сўнги йилларда олий таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар тўғрисида ахборот бериб, бугунги кунда республикамизда 63 та олий ўқув юрти мавжудлиги, уларнинг 33 таси вазириликка қарши ва ушбу олий ўқув юртинларининг 800 дан зиёд талабалари "Умид" жамғармаси томонидан дунёнинг нуфузли илм даргоҳларига тахсил олишга юборилгани ҳусусида гапирди.

Жавоб

Директорга «ҳайфсан»

(«Кимга ош... кимга мош» "Хуррият" 16 октябр, 2002 йил)

Вилоят прокуратураси "Кимга ош... кимга мош" сарлаҳли мақола юзасидан текширув ўтказди. Унда мақолада келтирилган ҳолатлар асосан тасдиқланди.

лаш учун қурилиш материаллари, яъни 700 кг ганч сотиб олинган.

Жумладан, 2002 йил 16 сентябр кунин Кумкўрган тумани халқ таълими бўлимига қарашли 55-сонли умумий ўрта таълим мактаби маъмурияти томонидан шу мактабнинг 3, 4, 5 ва 6-синф ўқувчилари 3 соат дарс ўтилганда сўнг шу тумандagi С. Бойматов номли хўжалиқнинг фуқаро М. Тураев бошқарётган дехқон-фермер ҳўжалиги даласида экилган мош ҳосилини йиғиштиришга жалб қилинган. Жорий йилнинг 17, 18 сентябр кунлари эса мазкур мактабда фаолият кўрсатаётган ўқувчилар, ишчи ва хизматчилар юборилган. Мактаб маъмурияти билан фуқаро М. Тураев ўртасида бажарилган иш учун 20 минг сўм тўлашни келишилган ва ушбу пул маблағига мактабни таъмир-

лаш учун махсус ҳиҳозланмаган техника воситаларида олиб борилиб, уларнинг хавфсизлиги таъминланмаган.

Мақола туман Халқ таълими бўлимининг кенгашида жорий йилнинг 25 октябр кунин муҳокама қилиниб, 55-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори Қ. Бозоров, шу мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича директор уринбосари Р. Эшқобилова ҳам мактабда ўқув-тарбия, ички назорат ва интизомни бўшаштириб юборганликлари учун "Ҳайфсан" интизомий жазоси берилган.

Отабек ОРТИҚОВ

Шу билан биргаликда мактаб маъмурияти томонидан ўқувчиларни бошқа ишга жалб қилишга ҳам хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, ўқувчилар бошқа ишга дарс ҳисобидан жалб қилинган бўлиб, уларнинг далага иш қийинлиги бориш чоралари қўрилмаган. Шунингдек, ўқувчилар одам та-

шиш учун махсус ҳиҳозланмаган техника воситаларида олиб борилиб, уларнинг хавфсизлиги таъминланмаган.

Мақола туман Халқ таълими бўлимининг кенгашида жорий йилнинг 25 октябр кунин муҳокама қилиниб, 55-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори Қ. Бозоров, шу мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича директор уринбосари Р. Эшқобилова ҳам мактабда ўқув-тарбия, ички назорат ва интизомни бўшаштириб юборганликлари учун "Ҳайфсан" интизомий жазоси берилган.

Х. АБДУВОҲИДОВ, Сурхондарё вилоят прокурори

УШБУ СОНДА:

ҚАРЗ ВА ҚИЗЛИК НОМУСИ
уч марта жиноят қилган кимса яна бир муҳдиш жиноятга қўл урди

БУХОРОНИНГ ДЎСТИ КИМ
ёки ҳақиқатни қачон хурмат қиламиз?

Оғоб-ахлоқ кодекси керакми?
Етти йил аввалги қотиллик

тафсилотларини «7x7» газетасида чоп этиш кимга керак бўлди?

ИСМЛАР ҚАТИДАГИ ҲИҚМАТ
Навоийни ўқш қийинми?

Обуна — 2003

МУҲЛИСЛАРИНГИЗ КЎПАЙСИН

Биз 2002 йил "Хуррият"га газета муҳбири Убайдулла Ҳужаниёзов тақлифи билан обуна бўлган эдик. Ростини айтсак, йил мобайнида "Хуррият" газетасини жамоа аъзоларимиз билан мазза қилиб ўқидик ва унга ўрганиб қолдик. 2003 йил учун ҳам газетангизга обуна бўлдим.

Мустақил мамлакатимизнинг равнақи йўлида олиб борилаётган фидокорона ишларингизда ривож тилаб, 2003 йилда "Хуррият"нинг муҳлисари кўпайишини ва газетангиз саҳифалари қизиқарли материаллар билан янада бойишини истаб қоламиз.

Мустақиллик шарофати билан юзага келган "Хуррият"нинг беҳад доимо порлок бўлисин.

Б. БЕКМУРОВОВ, Самарқанд вилоят ҳокимиятининг Лотерея ўйинлари ташкил этиш бошқармаси бошлиғи

Шошилинчнома

ИШГА ТИКЛАНДИМ

Хурматли Бош муҳаррир!
Мен ноҳақ индан ҳайдалган эдим. Суд мени ўз ишимга тиклади. Лекин ишга қарамасдан маҳаллий ҳокимият ишга тиклашимга қаршилик кўрсатди. "Хуррият" аралашидан сўнг мана 9 кундан бундан ўз ишимга ишлайман. Мен "Хуррият" газетасидан беҳад миннатдорам. Борларингизга шукр, каттадан-катта раҳматлар айтиб қоламан.

Ишмамат Қўрбон, Самарқанд шаҳар Богшаном тумани, Кимёгарлар шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси. 2002 йил, 11 декабрь

АЗИС ЮРТДОШЛАР! «ХУРРИЯТ»ГА 2003 ЙИЛ УЧУН ОБУНА МАВСУМИ НИХОСИГА ЕТМОҚДА. СЕВИМЛИ НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАН!

Ташаббус

Ишон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказида БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Ёшлар моделининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиздаги кўпгина мактаблар ўқувчилари АҚШ, Буюк Британия, Камерун, Мексика, Россия, Сурия Араб Республикаси, Франция, Ливон каби Хавфсизлик Кенгашига аъзо давлатлар "вакили" сифатида иштирок этдилар.

ЕШЛАРИНГ ДАЪВАТИ

Конференцияда ҳар бир давлат "вакили" Афғонистондаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ҳусусида ўз фикрларини билдирдилар. "Давлат вакиллари" томонидан Афғонистондаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ҳақида Резолюция Лойиҳасига қўйилган тақлифлар киритилди:

- мамлакатдаги барча миллий этник ва ҳарбий-сиёсий гуруҳлар вакиллари билан иборат янги ҳукумат тузиш;
- Афғонистондаги ғайраванд қочқинларга етиштиришни тўхтатиш, тинч аҳолининг сулҳом ва барқарор ҳаёт кечириши учун БМТ Низоми бўйича қарорлар чоралар қўриш;
- Афғонистон чағарасини мустаҳкамлаш, унинг миллий армиясини тузиш;
- давлат ҳудудига ноқонуний қуроқ-яроқ келтиришга чек қўйиш;
- ногирон ёки етим болаларга алоҳида эътибор қаратиш ва саводсизликни тугатиш;
- халқ иродисининг инфо-датуви Афғонистон Республикасининг янги Конституциясини қабул қилиш; "Резолюция Лойиҳаси"га, булардан ташқари, яна бир неча тақлифлар киритилиб, шулар асосида қарорлар қабул қилиниши ва бу Резолюциянинг мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни яхшилаш йўлидаги амалий фаолияти таъминланиши айтилди.
- Конференция сўнгида ўқувчиларга эсдалик совғалари ва сертификатлар топширилди.

Дилшоҳа ҲАМДАМОВА

Қилмиш

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 2002 йил 4 сентябрда бўлиб ўтган суд мажлиси судланувчи Хуррам Рўзиевга тегишли жиноий ишни муҳокама этиб, унга нисбатан 20 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳукмини эълон қилди. Суд ҳукмига бирон сўзлашувчининг айби ўта оғир жиноятни қасддан қилганлиги ҳақида судир этилганликда маълумланган.

атрофдагилар эътиборини тортмаслик учун. — Қайнотан-газ Баходир тезда эрингиздан хабар олиши лозим экан. Йўли бўлса ҳозирок унинг уйини кўрсатиб қўйсангиз, бор гапни унга етказай.

Эри ҳақидаги хабардан эсанкираб қолдим ёхуд қаршиқанда эркининг соғуқ ба-шарасидан чўчиганиданми, ҳар ҳолда аёл ўзини бир муддат йўқотиб қўйгандек бўлди.

йўқотаёзди... Хуррам Рўзиевнинг шу тундаги ваҳийларча жинояти олдида аввалги уч жиноятчи хеч гап бўлмади қолди. Уттиз етти йиллик умри давомида бирова яхшилик қилмаган, ҳаром-қариш йўллاردан юришни қасб қилиб олган инсон кўринишидаги бу малъун эн қабих жиноятчи судир этди: вояга етмаган қизчанинг ожизлигидан фой-

лар жиноятчи Х. Рўзиев билан бирор бир сабаб келиша олмаган отанинг айбидир бу. Ёки иқтисодий манфаат устунлик қилиб, кечагина қамқоқдан қайтган жиноятчида бе-маҳалда вояга етмаган қизини ҳамроҳ қилган отанинг лоқайдлиги, бепарволиги-ни оқибати, жазосими бу? Жиноятчи ҳазони ўташ жойидан қайтган, тегишли равишда ИИБ ахлоқ тузатиш инспекциясида рўйхатдан ўтказилиб, назоратга олинмаганлигининг ҳосиласидир балки?

Биз аксарият ҳолларда "ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра" деган иборани кўп ишлатамиз. Аммо ҳар доим ҳам унинг маъноси, моҳиятини тушунавермас эканмиз. Ахир бу ҳикмат ташқи душманларимиз, террорчилар ва шунга ўхшаш бошқа балолардан ҳушёрликка даъват белгисигина эмас. Бу аввало ҳар биримизнинг шахсий лоқайдлигидир, атрофимиздаги вояга-хотисаларга бепарволигимизга қарши оғоҳлик даъватидан. Ҳушёрликни ўзимиздан, ўз уйимиздан, маҳалла-миздан бошлашга ишоридир.

Келгусида Нигоранинг қис-матига ўхшаш мудҳиш воя-алар тажорларнамаслиги эса ана шу оддий ҳақиқатни қай-даражада англаб етишимизга жуда-жуда боғлиқ.

БУХОРОНИНГ ДЎСТИ КИМ

ёки ҳақиқатни қачон ҳурмат қиламиз?

Журналистнинг бурчи ҳақида сўз кетганда уни ҳар ким ҳақ қилиш мумкин. Лекин жиноятчи бора давлатларидати таърифларнинг бош маъзунини "ҳақиқатни ҳурмат қилиш, ҳақиқий аҳволдан жамоатчиликни воқиф этиш, ўзининг ёки айрим гуруҳлар манфаатини эмас, жамият, халқ манфаатини устун қўйиб, масалага ҳолис ёндашиш"дан иборат бўлади.

Таассуфки, жамиятимиз демократия сари да-дил оқимлаётган айни пайтда ҳам баъзилар мана шу оддий ҳақиқатни, журналистларнинг, ОАВнинг жамиятдаги ўрнини тўла англаб етмаётганлар. Ай-рим ҳолларда ўз бурчини халол бажарган, жасур журналист рағбат ўрида тазийққа ҳам учрамоқ-да.

Ана шундай воқеалардан бири Бухоро вилоят-ида рўй бермоқда. Хабарингиз бўлса, 2002 йил-нинг 18 сентябрыда "Хуррият"да "Эсиз малак-лар — товусми, капалаклар" мақоласи эълон қилинган эди. Унда вилоятда бошқа айрим жой-лардаги каби маънавий бузуқликни қасб қилиб олган муомиларга гуруҳ этиқозини таъкидлаган эди.

Рости "Хуррият" учун бу маънавийлик эмас. Чунки газетанинг 14 август сонидида "Хиббонда-ги дилчилик" мақоласида пойтахтдаги Амир Те-мур хиббон сувоққлар тўпладанга жойга ай-ланаётгани танқид қилинган, газетанинг 11 сен-тябрыдаги сонидида Тошкент шаҳар Инчи иш-лар бошқармасидан вазиятни ўнглаш юзасидан қўриқлаётган чорлар ҳақида жавоб хати эълон қилинган эди.

Шу боис И. Сафаровнинг мақоласи бошида бу иллат нафақат Бухорода, балки бошқа ви-лоятларимизда ҳам мавжудлиги таъкидланган эди. Бироқ мақола эълон қилинган, баъзи "орият"ли ки-шилар муаммо бу ёқда қолиб, уни дадил қў-риқ қилган журналистни айблашга ўтидилар. Улар-нинг фикрича, "Бухорода шунча ижобий ишлар қилинаётган пайтда бу муаммони ёзиш шарт эмас", журналистга ватанпарварлик туйғуси ҳам йўқ" эмиш.

Уш қилари Илҳом Сафардан шундай хат ол-ди: Ҳозир иккитдан буткул кўнгли совиган. Юрак сикилади... Ҳаёлим узоқ-узоқларга бош олиб кет-ди. Уч фарзандимни ўйлайман. Ухласам-тур-масам... шу азоблар йўқ, деб ўйлайман. Бир-икки яқин дўстлар далада беришпоти: "Бу қулар ҳам ўтади". Лекин "бекор қилдинг", шу мақолани ёзиб, бошинга ташвиш ортириб", дея очик-пинчонга кулаётганлар ҳам анча. Дейл Карнеги китобини ўқиб, бошқаларга далада бериб юраддим. Шу кит-обини ҳам қўлимга олгим келмай қолди...

Журналистни шу ҳолга солган айрим расмий-ларни кўришармик. Бу борада хатто танқидий зи-елларимиз ҳам тўғри позицияни танлай билма-гани ачинарлидир. Самарқандлик бир "шоир" уни адоват қўзғашда (?) айбласа, Тошкентда яшовчи бир неча бухорлик зиёлилар вилоят ҳокими-га хат билан муҳрижаз этиб, унга чора кўришни сўрадилар. "Миннатдорчилик ва тақдир хати" деб аталган бу мактуб таассуфки, жасур бир Бухоро журналистни жусумарг қилиш, уни ишсиз қол-диришга қаратилган.

Мақола муаллифлари ҳамду сано ўқиш баро-бариди юқориди мақоладан сўнг Тошкентда бош қўралмай қолганлари ҳақида сўзлаб, Илҳом Са-фарнинг орияти борлигига шубҳа билдирадилар. "Бухоронинг дўстими ёки душманими?" дея сав-ол қўйиб, бундайлар муҳбир бўлиб ишлашга но-лоий, деган ҳулоса ясайдилар. Сўнгра бир қатор танқидчи, Бухорондан қилган гоёт иқтидорли киши-лар номларини санаб, агар ҳоким топириқ бер-са, бажаришга тайёрликларини изхор этдилар.

Ҳа, ўз юртининг фидойиси бўлиш, унинг об-рўси юксалишига ҳизмат қилиш, албатта, хайри-лият. Аммо бу ўз вазиёфатини сийқидилган бажа-риб юрган бир инсонни, журналистни бадном қилиш эвазига бўлиши керак эмас, назаримиз-да. Қолаверса, уларга "Сиз Бухоронинг дўсти экансиз, унинг ориқларидан, муаммоларидан нега Илҳомдек оғримайсиз, нега кўз юмасиз?" дегинчи келди.

Келинг, ҳақиқий аҳволини эсга эттиргани учун танқидчи журналист Бухоронинг дўсти-ми, йўқми, деган савалга жавоб бериш учун унинг фаолиятига бир назар солайлик.

У дастлаб республикамиздаги энг марказий газеталарда чоп этилган "Узининг қикқан бало" номли мақоласи билан кўнгликка танилди. Мақо-лада бир вақтлар "Советская Бухара" газе-та-сида ишлаган, кейинроқ Гўлян ва Ивановлар бил-ан ош-қатик тулган, "Московские новости" ҳа-ф-талигидан паноҳ топиб, Ўзбекистонга асоссиз тош-лар отган Асал Ўзъомова тахаллусли журналист мақоласига нисбатан дадил фикрлар билдирган-ди.

Шундан сўнг у "Дамўжа-Навоий-Бухоро" сув қувурини бунёд этиш (1989-1993 й.), Баҳоуддин Нақшбанд юбилейи (1993 й.), Бухоронинг 2500 йиллиги (1997 й.), "Универсиада - 2002" ва бо-шқа муҳим тадбирларга тайёргарлик ва уни ўтқа-зиш билан боғлиқ мақолалари билан мамлакат-и-мизга яхшилик қилушда фазолик кўрсатди. У бухорлик фермер М. Фахруллоев, аёллар ичи-да биринчи қаҳрамон М. Темирова, гиждуювчиқ машҳур пахтакор Х. Облоқулов, "Бухоротеқс" ис-садорлик жамияти йигирувчиси, Ўзбекистон Қа-ҳрамони М. Раҳматов ҳақидаги талай очерк ва лавҳалар ёзди. Замонамиз қаҳрамонларини элга танитгани, долзарб мавзулардаги мақолалари учун Илҳом Сафар "2001 йилнинг энг яхши журнали-сти" танловига рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланди.

Кўриб турибсизки, Ўзбекистон Миллий ахбор-от агентлиги муҳбири Илҳом Сафар Ўзбеки-стондаги энг иқтидорли, жасур, ўрни келганда ўзи-ни ҳам аямийдиган журналистлардан биридир. Энди мақоладан сўнг муаллифини айблаб ўтир-май, муаммони бартараф этиш билан машғул бўлган вилоят прокуратурасининг жавобини ўқий-лик:

Бухоро вилоят прокуратураси томонидан "Хуррият" газетасининг 2002 йил 18 сентябры куниндаги сонидида чоп этилган "Эсиз малаклар — товусми, капалаклар" сарлаҳ-али танқидий мақола юзасидан текшириш ўтказилди.

ҚАРЗ ВА ҚИЗЛИК НОМУСИ

уч марта «ўтириб чиққан» кимса яна бир мудҳиш жиноятга қўл урди

Хатто унинг паспорт хусуси-да эҳтиётланди берган саво-лига эркининг: "Утирганлар-да паспорт нима қилсин, биз-да справка бўлади", дея пай-саллангани ҳам аёлни сер-калантирмади. Нотаниш ки-шини Баходирнинг уйига ўзи бошлаб боришини ўйлади-ю, савдосини қизганим, ёнда-ги 10 яшар қизи Нигорага: "Қизим, бориб амаки ака-нинг уйини кўрсатиб қўй", дея норасида қизни келгин-ди қишига қўшиб юборди.

Бир неча марта жиноятга қўл уриб, анча "тобланган" Хуррам унинг сотувчи аёлнинг соддалигига ва қизчасини унга хамроҳ қилгани аини мудҳа-зо эди. Улар Баходирнинг уйидан топишолмагач, Х. Рўзиев асл мудҳаго қўчи вақти келган-лигини ўзинча чамалади, қиз-ни чағитиш учун тadbир ўйлаб бошлади.

Афсус, амакингни то-полмади, — деди қоронғи тушгани сайин ҳаққисираёт-ган қизалоқнинг қўрқуқ зуҳур бўла бошлаган назарига ило-

даланиб, унинг номусини топ-тади — аввалдан режалаштир-ган гаразли ниятини амалга оширди. Хайвоний ҳирсини қондир-гач, бу манфурлик ҳам унга камлик қилди. Кейинроқ яна энди бу гал ўз жинсий эҳтиё-жини гайритабиий равишда амалга оширадими, унинг бу хатти-ҳаракати тергов ва суд жараёнида жиноят оламида камдан-кам рўй берадиган ҳолат, дея баҳоланди.

Мулоҳаза

СОБИР АРАВАКАШ

уни ким ҳимоя қилади?

Ул-бул харид қилиш учун "Фарҳод" дехкон бозорига тез-тез ташви тураман. Беш кило картошкдан бир кило-сини уриб қолиб, меннинг сез-гирлигимдан бироз "хижолат" бўлиб: "тирикчилик" деб жавоб қайтарган опақоннинг ҳаракатини айтмаганда, бозордаги тўкин-сочинликдан ҳар доимдек хурсанд эдим. Ана шу кайфият билан ўзим-га керакли маҳсулотларни со-тиб олаётганимни, тўсатдан на-риқордаги раста ёнда бақир-чақир бошланг қолди. Бир-и билсам, бозорда арава судуровчи йигитлардан бири "тойчоғи" билан бир акахо-нимизни туртиб юборибди. Бу "тўқнашув" оқибатида шими бироз ифлосланган акахоҳ халиғи йигитнинг: "Дар, ака, бозорини шу-да", деб кечирми сўрашига кара-май, чапарасида сўка бош-лади. Бундай ҳолат оддий бўлиб қолганганиданми, ара-вакш илгандай йўлда давом этди. Лекин ундаги ҳўрсиниш ва кўзидоғи ёшни қўриб, у билан сўхбатлашим келди. Қўлимдаги халтам унчалди

оғир бўлмаса-да, у билан сўх-батлашиш мақсадида нараса-ларимни аравага қўйиб, "бекатга", дедим. Гагдан-гап очилиб, у ўзи ҳақида сўзлай кетди: исми Собиржон, бун-дан уч йил олдин Қашқадар-ёдан Тошкентга иш қидириб келган экан...

— Ун ёшимдан Тошкент-нинг турли бозорлариди ара-ва судураб-тирикчилик қила-ман. Ойлада уч фарзандим, отамнинг вафотларидан сўнг онам ҳам хасталаниб қолди-ран. Ойлада катта фарзанд бўлганим учун кўп нараса мен-га боғлиқ эди. Нега мактабда ўқимадиган, деб сўраганимиз мумкин. Ўқидим, мактабда жуда яхши ўқирдим. Лекин ёлғиз онамнинг топган пул-лари дарслиқларимиз у ёқда турсин, рўзгоримизга зўрга етарди. Бошида ўртоқларим-нинг дарслиқларини вақтин-ча олиб ўқирдим. Кейинча-лик дарслиқларининг нархи кўпайиб кетганиданми ё кит-обларини ашдишим, бермай қўйибди. Дарслик ва ўқув қуролларим йўқлигидан ўқитувчиларимдан ҳар кун

даки эшитардим. Синфдош-ларим тўрт-бешта дафтарни селлофан пакетга солиб бо-ришини кўриб, устимдан ку-лишарди. Бу нарсалар менга ёмон таъсир қилар ва борган сари мактабдан қиз бошла-ди. Қандай қилиб пул топ-сам ва онамга ёрдам берсам экан, деб ўйлаб бошладим. Уш пайтлар урт ўртоғимнинг акаси Тошкент бозорларида арава судураб тирикчилик қилишини эшитган эдим. Мен ҳам унинг ёрдамида Тошкент-га келиб иш бошладим. Тўғри, бошида ўқитган ҳар кун бозор газасига 300 сўндан 500 сўмга патта пули тўла-салар-да, уларнинг бу ҳатти-ҳаракатлари тартибга солин-гач бўлган юки тортишини ўқиб бўлмайди-да. Узимдан ортирган биринчи пуларим-га уқаларим учун дарслиқ олиб жўнатдим. Ҳозир ҳам топган пуларимни уларнинг ўқиши учун сарфлаётиман...

Сана

БАТ 100 га, ЎЗБАТ 8 га тўлди

«Бу икки муҳим йирик сана аслида ноябрь ойининг ўрталарида нишонланиши керак эди. Лекин муборак Рамазон ойига тўғри келгани учун уларни катта хайитдан кейин нишонлашга келишиб олинди».



Намангандаги «Чортоқ» тикувчилик корхонаси чевари Дилрабо Ҳақимова тиккан бежирим либослар хорижникидан асло қолишмайди.

П. АКБАРОВ олган сурат.

Эътибор

Метронинг "Беруний" бекатида чикарканиз, беҳи-тиёр баянд девордаги лав-ҳага кўзингиз тўшади. Унда шу ердан чикилганда дуч келинадиган асосий бино-лар, маъмурий идоралар, хуллас, кўнчиликка маълум бўлган муассасалар кўрсатилган. Албатта, бу ҳол йўловчиларга қулайлик ту-ғдириш учун қилинган. Лекин уш лавҳага битилмиш-лар нотўғри бўлса-чи? Дей-лик, шундай ташкилот бўли-ш мақсада умуман йўқ бўлса-чи? Сөзидим: ажабланисиз. Тўғриси, мен ҳам даставвал ажабландим. Афсуски, мет-рополитенчилар хилва эъти-борсизликка, лоқайдликка йўл қўйишпоти. Қандай қилиб, дейсизми? Жуда қул-

гани ва ачинарли йўсинда! Яъни, метрочи акаларимиз йўқ нарсани "Бор" деб, "но-ми"ни катта-катта ҳарфлар-да битиб қўйганлар. Бу қанақа муассаса экан-а, дея лолсиз. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Миллий универ-ситетини эшитмаган, билма-ган инсон топилмаसा кераг-ов. Унинг ташкил этилгани-га ана-мана дегунча 85 йил бўлган. Лекин унинг шу ном билан атала бошлаганига, худо хоҳлса, 2003 йил 28 январда 3 йил тўлади. Бун-

Обтаб

Лоқайдликми ё...

дан аввал эса мазкур ота-хон илм даргоҳи турли хил номланиб келган. Айнан 2000 йилнинг 28 январь са-насида Президентимизнинг "Тошкент Давлат универси-тетига "Ўзбекистон Миллий университети" мақомини бери-ш тўғрисида"ги Фармони эълон қилиниб эди. Демак, мана 3 йилдирки, Тошкент Давлат университети деган илм даргоҳи йўқ. Фақат номи, мақоми ўзгарган, хо-лос. Бу гапларнинг Тошкент метросига не алоқаси

Обтаб

Намангандаги «Чортоқ» тикувчилик корхонаси чевари Дилрабо Ҳақимова тиккан бежирим либослар хорижникидан асло қолишмайди.

бор, дейишнинг табиий, албатта. Гап шундаки, "Бе-руний" бекатида ўша расман йўқ илм даргоҳи — Тошкент давлат университети борли-гини тасдиқловчи лавҳа бор. Уш ерда битилган: "Тошкент давлат ва техника уни-верситетлари". Иккала уни-верситетнинг номи уш тах-ли, яъни бир-бирига қўшиб ёзиламан. Улар алоҳида-алоҳида, тушунарли қилиб ёзилиши керак.

Бундан ташқари, вагон-лар ичидидаги рекламаларинг матни ҳам кишини ўйланиш-га мажбур этади. Сабоби, аксарият реклама ва эълон-лар матнида илмовий ва ус-лубий хатоларнинг бот-бот такрорланаётгани ачинарли. Умуман, метрополитен худудидидаги ёзувларнинг ил-мовий ва услубий жиҳатла-рига жиддий эътибор кара-тиш фурсати аллақонан ет-гани. Ахир, она тилимизга давлат тили мақоми берил-ганига 13 йил тўлиб улгур-диямки, ҳали-ҳануз тўлиқ саводхонликка эриша олма-

Обтаб

«Хуррият» тахририяти

Р.С.: Мақола саҳифаланаётганда Илҳом Са-фар кўнгирак қилиб, илжожи бўлса, у ҳақида ҳеч қандай мақола чоп этмаслигини илтимос қилди. Вилоят раҳбари кўнглини кўтарганини айтди. Биз унинг фаолиятига бағрикенглик билан тўғри ёндашган раҳбарга миннатдорлик билдирад эканмиз, барибир юқориди мақолани чоп этиш лозим, деган ҳулосага келдик. Зеро, у матбуотнинг, журналист ва журналистиканинг вазиёфатини англашганимизда асқотса ажаб эмас.

Обтаб

Муҳим абураасулов, ўзуми талабсин

ялмиз. Метро — жамоатчи-лик жойи. Унинг хизматидан кунига бир неча ўз минг-лаб инсон фойдаланади. Ва... хоҳлайми-йўқми, ҳар бир инсон ўш ёзувлар-га кўз югуртиради... Тўғри, бу мавзуда кўп ва ҳўз ёзил-ган. Ва бу жуда оддий, май-да камчиликлардай туюли-ши мумкин. Лекин ҳар кан-дай жиддий, улкан муам-молар уш аэримас, "оддий" хатолар эвазига юзага кела-ди. Мазкур муаммодан ҳа-лос бўлиш йўллариини жи-ддий ва тезкорлик билан то-пиш, ундан қутулиш буғун-нинг долзарб муаммолари-дандир.

Муҳим абураасулов, ўзуми талабсин

